

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди, Бекобод шаҳар ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Х.Халиков, А.Шайзаковнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Арашов, (судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи) адвокат М.Жураевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айб эълон қилинган:

_____ йилда Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ажрашган, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор МФЙ, 1-боғ кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 05.01.2026 йилда олган _____

_____га нисбатан _____-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охирги сўзини тинглаб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи _____ 2025 йил 30 ноябрь куни Чиноз тумани Олмазор МФЙ ҳудудида жойлашган дала ер майдонидан ёввойи ҳолда ўсган наша ўсимлиги барглари ва тупгулларини юлиб олиб, ушбу наша ўсимлиги барглари ва тупгулларини келгусида ўзи истеъмол қилиш мақсадида яширин равишда, далада наша ўсимлиги барглари ва тупгулларини темир идишда ёғда қовуриб “Jacobs Monarx” номли кофенинг шиша идишига солиб, ўзининг ёнида бўлган сумкада қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2025 йил 30 ноябрь куни соат 21:30 ларда _____ ўғли Бекобод шаҳар 13-даҳа ҳудудида кетаётганда, ўзида шубҳа туғдирганлиги сабабли Бекобод шаҳар ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, икки нафар ҳолислар иштирокида унинг эғнидаги кийимлари ва ёнида бўлган кулранг рангли сумка кўздан кечирилганида, _____ ёнидаги сумкаси ичидаги “Jacobs Monarx” номли кофенинг шиша идишида ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётган кўп миқдордаги 127,49 грамм ёғда қовурилган “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 01.12.2025 йилдаги 2800-сонли хулосасига кўра, _____ сумкасидан олинган бир дона полимер пакет ичидаги 0,5 хажмли шиша банка ичидаги модда: ёғли қуритилмаган, ёғда қовурилган ўсимлик тўпгуллари ва баргларидан ташкил топган, таркида фаол



гиёҳванд модда – тетрагидраканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда ёғда қовурилган Марихуана деб аталиши ва унинг соф вазни 2025 йил 1 декабрь кунига 127,49 граммни ташкил қилиши аниқланган.

Судга оид наркологик экспертизанинг 05.12.2025 йилдаги 532-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] гиёҳвандлик касаллиги аломатлари аниқланмаганлиги ва мажбурий даволашга мухтож эмаслиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] ўғли унга эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2025 йил 30 ноябрь куни соат 17:30 ларда Чиноз туманидан электр пойёздда Бекобод шаҳрида яшовчи Наргиза исмли танишининг уйига меҳмонга бориш келганлиги, у Бекобод шаҳрига 21:00ларда етиб келганлиги, шундан сўнг у Бекобод шаҳар станциядан такси тўхтатиб, Бекобод шаҳар 13-даҳадаги бозорчага борганлиги, у 13-даҳадаги бозорчадаги дўкондан 3 дона нон олиб чиқиб кетаётган вақтида, икки нафар ИИБ ходимлари унинг олдига келишиб, унга ўзларини таништиришганлиги, ИИБ ходимлари ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжаларини тақдим қилишини сўраганлиги, кейин у ИИБ ходимларига фуқаролик паспорти ёнида бўлганлиги сабабли, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари ҳужжатларини кўриб бўлишганидан сўнг, уни шахсий тинтув ўтказишлигини маълум қилишганлиги, кейин ИИБ ходимлари унинг уст-бошини тинтувдан ўтказишганидан сўнг, унинг бўйнида осилиб турган кулранг рангли осма сумкани ҳам текширишликларини айтишганлиги, у ИИБ ходимларига нима учун текширишлигини сўраб, уларга қаршилик кўрсатганлиги, шундан сўнг, ИИБ ходимлари уни ҳудудий профилактика инспекторининг хизмат хонасига олиб боришганлиги, ушбу хизмат хонада ИИБ ходимлари унинг бўйнида осилиб турган сумкани текширишларини такроран маълум қилишганлиги, шундан сўнг, у ИИБ ходимларига ўзига тегишли бўлган сумкани тақдим қилганлиги, ИИБ ходимлари унга нотаниш бўлган икки нафар холислар иштирокида сумкани кўздан кечиришганлиги, унга тегишли бўлган сумкани икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришганида, сумканинг ичида қора рангли политилен пакетга ўралган ҳолда “Jacobs Monarx” кофе идишда тўқ жигарранг рангли, қовушқоқсимон, ўткир хидли модда аниқланганлиги, ИИБ ходимлари ундан ушбу модда нима эканлиги тўғрисида сўрашганлиги, у ИИБ ходимларига қора рангли политилен пакетга ўралган ҳолда “Jacobs Monarx” кофе идишда тўқ жигарранг рангли, қовушқоқсимон, ўткир хидли модда, наша гиёҳвандлик ўсимлигининг барглари ва тўпгулларини қўл бола усулда тайёрланган ёғда қовурилган “Жарюха” эканлигини айтганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлар унга ушбу наша гиёҳвандлик ўсимлигининг барглари ва тўпгулларини қаердан ва қачон олганлигини сўрашганлиги, у ИИБ ходимларига ушбу наша гиёҳвандлик ўсимлигининг барглари ва тўпгулларини Чиноз тумани Олмазор МФЙ ҳудудидаги дала майдонидаги ёввойи тарзда ўсиб турган наша гиёҳвандлик ўсимлигидан териб олиб, ўзининг истемоли учун қўл бола усулда ёғда қовуриб “жарюха” ҳолатига келтирганлигини айтганлиги, кейин ИИБ ходимлари унинг сумкасидан қан “Jacobs Monarx” кофе идишида бўлган жарюхани икки нафар холислар



иштирокида расмийлаштиришиб, қора рангли политилен пакетига ўрашганлиги, шундан сўнг, ИИБ ходимлари уни ва икки нафар холисларни ИИБ биносига олиб келишиб, 23-сонли хизмат хонасида, қора рангли политилен пакетига ўралган “Jacobs Monarx” кофе идишида бўлган тўқ жигарранг рангли, қовушқоқсимон, ўткир хидли “Жарюха” икки нафар холислар иштирокида Сонифер номли тарозида ўлчанганида, унинг вазни 314,5 граммни ташкил қилганлиги, унинг сумкасида бўлган “Jacobs Monarx” кофе идишда бўлган “Жарюха” тўқ жигарранг рангли, қовушқоқсимон, ўткир хидли эга бўлган ўсимликнинг баргларида хосил бўлган гиёхванд моддага ўхшаш моддани ИИБ ходимлари томонидан холислар иштирокида расмийлаштириб олишганлиги, ушбу ҳолат юзасидан ИИБ ходимлари ундан тушунтириш хати олишганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, бошқа бу ҳолат такрорланмаслиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчининг берган кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи [REDACTED] айби, ўз айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, тушунтириш хатлари, ашёвий далилни олиш баённомаси, ашёвий далилни назорат тартибида ўлчаш далолатномаси, судга оид кимёвий экспертнинг 01.12.2025 йилдаги 2800-сонли хулосаси, шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг кўп миқдордаги гиёхвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, ташиш ва сақлашликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилган ҳолда унга модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчига жазо ўташ даврида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида назарда ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлигини тушунтириб ўтишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида [REDACTED] олинган 126,99



грамм Марихуана гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишини лозим топди.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона DVD диск жиноят ишида сақлашликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга **3 йил** муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси Э.Касимовнинг яшаш жойи, яъни Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор МФЙ, 1-боғ кўчаси, рақамсиз уйда ўташ белгилансин.

иш ва ўқиш вақтидан ташқари вақтда яшаш жойидан чиқиши тақиқлансин.

Жазони ўташ даврида зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик каби мажбуриятлар юклатилсин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБнинг Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Бекобод шаҳар ИИБнинг Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБга 06.01.2026 йилдаги 14547-сонли қвитанция орқали топширилган 126,99 грамм “Марихуана” гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона DVD диск жиноят ишида сақлансин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланган шахс хукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш, ушбу муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Халиков

Аслига тўғри:

